

ХУЖЖАТЛАРНИ ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗАСИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Собиров Фурқат Бахромбой ўғли

*ИИБ Академияси Криминалистик экспертизалар
кафедраси бошлиғи ўринбосари, ю.ф.б.ф.д. (PhD)*

Аннотация. Мазкур мақолада ҳужжатларни техник экспертизаси бўйича қайта экспертиза ўтказиш жараёнида юзага келаётган айрим бахсли ҳолатлар таҳлили амалга оширилиб, ушбу муамолар ҳолатларни бартараф этишга қаратилган асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳужжатларни техник экспертизаси, қайта экспертиза, тадқиқот, объектлар.

Сўнги йилларга келиб, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг ортиши [1] ҳисобига, асосан ушбу турдаги жиноятлар бўйича тайинланадиган хатшунослик, ҳужжатларни техник экспертизаси каби криминалистик экспертизаларнинг кўрсаткичи ҳам умумий экспертизалар ичида салмоғи ортишда давом этмоқда [2].

Бугунги кунда ҳужжатларнинг техник экспертизаси анъанавий экспертиза тадқиқотлари ичида қайта экспертиза тайинланиш ҳолати бўйича энг етакчи бўлган суд экспертизаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ҳужжатларнинг техник экспертизаси бўйича қайта суд экспертизасини ўтказиш масаласини атрофлича таҳлил қилиш зарурати, мазкур мақоламизнинг ёзишга бўлган сабаблардан биридир[3].

Мазкур суд экспертиза бўйича тадқиқот олиб борувчи экспертлар билан ўзаро мулоқот ва ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда айнан ҳужжатларнинг техник экспертизасида қайта экспертиза ўтказилган жараёнида экспертиза тайинлашдан тортиб экспертиза хулосаларини шакллантиришгача бўлган жараёнда ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд.

Қўшимча ва қайта экспертизалар деб номланган Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси, ЖПКнинг 176-моддаси [4], ФПКнинг 96-моддаларида[5] мазкур турдаги суд экспертизалари бўйича қоидалар мавжуд бўлиб, қайта экспертиза юзасидан мавжуд қоидалар таҳлилиш шуни кўрсатмоқдаки, мазкур қоидаларга бугунги талабларидан келиб чиққан ҳолда айрим ўзгаришлар киритиш лозим. Ўзгариш киритилиши лозим бўлган ҳолатлар қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, мазкур ишлаб чиқилган қоидаларда қайта ўтказилиши лозим бўлган экспертиза тадқиқоти қайси объектларга нисбатан тайинланишига ойдинлик киритилмаган. Модомики қайта экспертизалар фақатгина олдин ўтказилган экспертиза ўтказилган тадқиқот объектларига нисбатан амалга оширилиши лозим.

Маълумот учун мазкур қоида Олий суд пленумининг 2018 йил 12 декабрь кунги “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида” 24-сон қарори 17-банд иккинчи хатбошисида ўз аксини топган [7].

Иккинчидан, қайта экспертиза олдига қўйилиши лозим бўлган саволлар билан боғлиқ янги қоида киритиш зарурияти мавжуд.

Миллий қонунчилик ҳужжатларимизда қайта экспертизани ўтказиш бўйича амалдаги қоидаларга асосан, қайта суд экспертизаси тайинланганда суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) олдига илгари қўлланилган текшириш усуллариининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Фикримизча, мазкур қоидадан воз кечиш вақти келди. Зеро, ушбу қоида қайта турдаги суд экспертиза тадқиқотининг асл моҳиятига зид равишда ишлаб чиқилган. Қайта экспертиза тайинлашдан асосий мақсад илгари ўтказилган ва кейинчалик бошқа далиллар билан ўзаро бир-бирига зид келиб қолган ҳолатга ойдинлик киритиш, процесс иштирокчиларида шубҳа туғилган экспертиза хулосасининг тўғри ёки нотўғри эканлигига аниқлик киритиш ва шу орқали одил судловни таъминлашдир.

Шу ўринда бир савол юзага келади: нима учун қайта экспертизани амалга ошираётган суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) олдига илгари қўлланилган текшириш усуллариининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши лозим?

Мазкур саволга ойдинлик киритиш учун миллий қонунчилик ҳужжатларимизни таҳлил қилишнинг ўзи кифоя. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизга мувофиқ, қайта экспертиза дастлабки ўтказилган экспертиза хулосаларидан қайсидир томондан устунликка эга эмас.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан шуни англаш мумкинки, ҳаттоки, қайта экспертиза жараёнида илгари ўтказилган суд экспертизаси илмий асосланмаган деб хулосага келинган тақдирда ҳам илгари ўтказилган экспертиза хулосасини бажарган суд эксперти айни шу қайта экспертиза хулосасига асосан жавобгарликка тортилмайди. Зеро, қайта экспертиза хулосаси ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187-моддаси иккинчи қисмига асосан суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эга эмас [6]. Шундай экан

кейинчалик ўтказилиши мумкин бўлган хизмат текширув ёки терговчининг сўроқ қилиши натижасида ойдinлик киритилиши мумкин бўлган ҳолат бўйича қайта экспертиза ўтказиш нечоғлик тўғри?

Мазкур йўналишда хорижий тажриба сифатида Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодекси ва “Давлат суд экспертиза фаолияти тўғрисидаги” қонунлари ўрганилганда, ЖПКнинг 207-моддаси [8] ва “Давлат суд экспертиза фаолияти тўғрисидаги” қонуннинг 20-моддаларида [9] қайта экспертиза илгари қўйилган саволлар юзасидан ўтказилиши тўғрисидаги қоида белгилаб ўтилганлигини кўриш мумкин.

Фикримизча, юқорида ўтказилган таҳлиллар натижаларини умумлаштирган ҳолда, мақсади қайта турдаги экспертиза тадқиқотларини тартибга солишдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси, ЖПКнинг 176-моддаси, ФПКнинг 96-моддаларининг 3-бандини қуйидаги кўринишда янgidан таҳрир қилиш мақсадга мувофиқ:

Қайта экспертиза илгари қўйилган саволлар юзасидан муқаддам хулоса берилган объектларга нисбатан ўтказилади.

Мазкур киритилиши таклиф этилаётган ўзгаришнинг миллий қонунчилик ҳужжатларимизга татбиқ этилиши натижасида қайта экспертиза ўтказилиши такомиллашгани ҳолда, бу жараёндаги айрим муаммоли ҳолатлар бартараф этилишига эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ:

1. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика бош марказининг 2022-2024 йиллар учун статистик маълумотлари.
3. Собиров Ф.Б. Хатшунослик экспертизасини тайинлаш жараёнида мавжуд муаммо ва ечимлар.// Замонавий дунёда илм-фан ва технология (илмий-амалий конференция) URL: <https://in-academy.uz/index.php/zdift/article/view/10165/7339> – Т. 2023. Б. 58-60
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — URL: <https://lex.uz/docs/111460>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси. — URL: <https://lex.uz/docs/3517337>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 249-сон 01.06.2010 //URL: <https://lex.uz/docs/1633102>.
7. Олий суд пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида” Қарори 24-сон 12.12.2018

8. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 9.12.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2023) - URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/
9. Федеральный закон от 31 мая 2001 г. N 73-ФЗ "О государственной судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации" (с изменениями и дополнениями) - URL: <https://base.garant.ru/12123142/>